

## Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг тарихий илдизлари.

Низомжон Ғофуров  
Нам ДУ Жаҳон тарихи  
кафедраси катта ўқитувчиси

Мустақиллик Ўзбекистон халқига улкан имкониятлар эшигини очди, мамлакатимиз сиёсий мутелик ва қарамлик каби асоратлардан халос бўлди, жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириб борди. Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Халқимиз ўзининг инсонпарварлик, бағрикенглик каби азалий қадриятларига таянган ҳолда жаҳон ҳамжамияти сафига дадил кириб борди. Президент И. А. Каримов таъкидлаганидек: “Мустақил Ўзбекистоннинг — кудрати куч манбаи, халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил кўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб - асраб келмоқда”<sup>1</sup>.

Ўзбек халқи азал-азалдан жаҳон мамлакатлари халқлари билан яқиндан алоқа қилиб келган. Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсати халқимизнинг халқаро ҳамкорлик соҳасидаги бой тажрибаси ва анъаналарига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлигининг замонавий манбаларини чуқурроқ ўрганиш учун тарихга мурожаат қилиш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан дўстона алоқалар ўрнатиб самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ана шу мамлакатларнинг аксарияти билан мамлакатимиз қадимдан дўстона алоқаларга эга бўлган. Буюк Ипак йўли ўтмишда минтақадаги кўплаб халқларни яқиндан ҳамкорлик қилишларининг асосий воситаси бўлган. Хитой ўзбек халқининг ана шундай қадимий ҳамкорларидан биридир.

Ўзбекистон–Хитой муносабатлари йиллар синовидан ўтган, кўп минг йиллик ўзаро манфаатли алоқаларнинг узвий давомидир. Бундай дўстона алоқалар Буюк Ипак йўли бўйлаб қадимдан ривожланиб келган. Мил. авв. I минг йилликнинг сўнги юз йиллигидан бошлаб Марказий Осиё билан Хитой ўртасидаги сиёсий, иқтисодий-маданий алоқалар доимий тус олган. Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги савдо ва дипломатик алоқалар мил. авв. II аср ўрталарида Марказий Осиёда вужудга келган геосиёсий вазият таъсирида шакллана бошлаган<sup>2</sup>. Хитойнинг “Ғарбий ўлкалар” га бўлган қизиқишининг ортиб бориши натижасида мил. авв. 140 йилда Чжан Цзянь элчи сифатида жўнатилган. Чжан Цзянь Ўрта Осиёдаги Усунлар юрти, Давань ва Қанг давлатлари, Катта Юечжи, Дахя (Бақтрия), Аньси (Парфия) каби ўлкалар, савдо йўллари ҳақида муҳим маълумотларни тўплаган<sup>3</sup>. Мазкур маълумотлар “Тарихий хотиралар ” (“Ши жи”) номли асарнинг “Чжан Цзяннинг таржимаи

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 56.

<sup>2</sup> Мавлонов У. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Т.: Академия, 2008. – Б. 111.

<sup>3</sup> Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Т.: Фан, 2007. – С 26.

холи” ва “Фарғона тазкираси” номли бобларида илк бор учрайди<sup>4</sup>.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича мил. авв. 121 йилдан бошлаб Хитой императорлари Давань, Бактрия, Парфия ўлкаларига йилига беш–олти, баъзи йилларда ўн мартадан кўпроқ элчиликлар жўнатганлар. Бу даврда Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги алоқаларда Давань давлати муҳим ўрин тутган. Фарғона водийси хитойликлар учун бир томондан ғарбий ўлкаларга ўтадиган дарвоза вазифасини бажарган бўлса, иккинчи тарафдан ўз ҳарбий қўшинини Фарғонанинг афсонавий самовий отлари билан тўлдириш Хитойнинг стратегик ҳарбий-сиёсий мақсадларидан бири бўлган<sup>5</sup>.

Марказий Осиё ва Хитой халқлари ўртасидаги алоқалар Кушонлар салтанати даврида ҳам давом этган. Бу алоқаларнинг ривожланишида Кушон салтанатида давлат динига айланган ва Хитой ҳудудига ҳам кириб борган буддавийлик муҳим ўрин тутган. Хитой манбаларида 230 йилда Вей сулоласи саройига Кушон ҳукмдори Васудеванинг элчилари келганлиги ҳақида маълумот берилган<sup>6</sup>.

Илк ўрта асрларда ҳам Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги алоқалар давом этган. Ат-Табарийнинг “Тарих ар-расул ва-л-мулк ва-л-хулафа”, Ал-Утбий ва Ибн ал-Асирнинг асарларида Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги алоқалар ёритилган<sup>7</sup>. Хитой Эрон ва Византияга ўтувчи асосий савдо йўллари ўз назоратига олган қудратли Эфталлийлар давлати билан дипломатик алоқаларни ўрнатишга алоҳида эътибор қаратган. Шимолий Вей сулоласи ҳукмдорлари Ўрта Осиёга 3 та элчилик миссиясини жўнатганлар. Хитой манбаларининг маълумот беришича, 713 йилда Самарқанддан совут, кулолчилик буюмлари, туяқуш тухуми, пакана одамлар ва раққослар юборилган. Тохаристондан VII–VIII асрларда ажойиб отлар, 200 дан ортиқ турдаги доривор гиёҳлар, шиша ва тоғ биллуридан ясалган буюмлар олиб борилган. Чочдан “Эрон усулида» тайёрланган мусаллас олиб борилган. Шу билан бирга, Марказий Осиёдаги ёдгорликлардан бронза ойналар ва бошқа Хитойда ишлаб чиқарилган буюмларни учратиш мумкин<sup>8</sup>.

Хитойдан Марказий Осиёга асосан ипак матолар олиб келинган бўлса, Хитойга пахта ва жундан тайёрланган матолар юборилган. Мисол учун 682 йилда Тохаристон элчиси Хитой императорига олтин парча кийим совға қилган. 726 йилда Бухоро ҳукмдори бошқа совғалар қаторида Византия гиламини ҳам жўнатган<sup>9</sup>.

Илк ўрта асрларда сўғдийлар Буюк Ипак йўлида етакчиликни қўлга киритганлар. Улар Хитой билан маданий алоқаларни ривожлантиришда катта роль ўйнадилар. Улар бутун йўл бўйлаб турли ёзув тизимларининг ёйилишига

<sup>4</sup> Хўжаев А. Буюк Ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.146.

<sup>5</sup> Боровкова Л. А. Запад Центральной Азии во II в. до н. э. – VIII в.н.э. – М.: Наука, 1989. – С. 19.

<sup>6</sup> Мирзаев Р. Геополитика нового Шелкового пути. – М.: Известия, 2004. – С.76

<sup>7</sup> Ахмедов Б. А. Роль Центральноазиатских источников в изучении торговых, политических и культурных связей Средней Азии с Китаем в средние века.// Новое в изучении Китая. – М.: Наука, 1988. – С. 143-144.

<sup>8</sup> Савчук-Курбанов С. Китай – Узбекистан: многовековые истоки торгово-экономического и культурно-просветительского партнерства. // Материалы научно-практической конференции «Китай и современный мир». Ташкент, 29 сентября 2009 г. – С.11.

<sup>9</sup> Мирзаев Р. Геополитика нового Шелкового пути. – М.: Известия, 2004. – С.78

катта ҳисса қўшдилар. Хитой мусиқа ва рақс маданиятида янги унсурларни, гижжак, чанг, най сингари мусиқа асбобларининг кириб боришига Марказий Осиё мусиқа санъати таъсир кўрсатган. Бухоро, Самарқанд ва Чоч раққосалари ва мусиқачилари VII-VIII асрларда Хитойда жуда машхур бўлишган<sup>10</sup>.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, ўша даврда Хитой мусиқаси ўз оҳангига кўра Марказий Осиё мусиқасига ўхшаб кетган. Тан даври Хитой манбаларида “хутенъу» деб номланган Тошкент рақси ҳақида маълумотлар берилган.

Араб истилочиларига қарши кураш даврида Хитой билан дипломатик муносабатларда жонланиш юз берган. Марказий Осиё давлатлари арабларга қарши курашда Хитой билан иттифоқ тузишга интиланлар. 717 йилдан 731 йилгача Хитойга Сўғдиёнадан 11 та, Тохаристондан 5 та, Бухородан 12 та элчилик жўнатилган<sup>11</sup>. Тан давлати арабларга қарши 30 минг кишилик (араб манбаларида 50 минг кишилик) кўшин юборган. 751 йилда Талас дарёси бўйида, ҳозирги Жамбул шаҳри яқинида бўлиб ўтган жангда хитойликлар қақшатқич мағлубиятга учрайдилар<sup>12</sup>. Бу жангда 50 минг Хитой аскарлари қурбон бўлган, 20 минг киши асирга тушган<sup>13</sup>. Бу мағлубият нафақат Тан империясининг халқаро обрўсига, балки унинг сиёсий, иқтисодий ҳаётига ҳам салбий таъсир ўтказган.

Мовороуннаҳрда Амир Темур давлатининг вужудга келиши ўзаро дипломатик муносабатлар тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. 1387 – 1397 йиллар оралиғида Амир Темур Хитойга олти мартаба элчилик жўнатган. 1387 йилда мавлоно Ҳофиз бошчилик қилган биринчи элчилик орқали императорга 800 та от совға қилинган. 1394 йилда Амир Темур Хитойга янги элчисини юборган, у совға сифатида 200 та от ва соҳибқирон мактубини етказган, бу мактуб илк бор хитойчага ўгирилган. Шунингдек, Амир Темур Хитойга 1388 йилда Тож ад-Дин, 1391 йилда Шохалил, 1392 йилда Ниғмат ад-Дин, 1394 – 1396 йилларда Дарвиш Али, 1396 йилда Аломат ад-Дин бошчилигида элчиликлар жўнатган. Ўз навбатида Хитойдаги Мин сулоласи ҳукмдорлари ҳам Амир Темур ҳузурига ўз элчиларини жўнатганлар. Жумладан, 1395 йилда император Хунъу самарқандга Фу Анни элчи сифатида юборган. У Амир Темурга императорнинг мактубини ва совғаларини топширган<sup>14</sup>.

Амир Темурнинг ворислари ҳам соҳибқирон амалга оширган сиёсатга амал қилиб, уни давом эттирганлар. Шохрух Мирзо ҳукмронлиги йилларида темурийлар давлати ва Хитой ўртасидаги алоқалар яна давом эттирилди. 1409

<sup>10</sup> Савчук-Курбанов С. Китай – Узбекистан: многовековые истоки торгово-экономического и культурно-просветительского партнерства. // Материалы научно-практической конференции «Китай и современный мир». Ташкент, 29 сентября 2009 г. – С.12

<sup>11</sup> Мавлонов У. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Т.: Академия, 2008. – Б. 125.

<sup>12</sup> Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Т.: Фан, 2007. – С.28.

<sup>13</sup> История Табари. – Т.: Фан, 1987. – С. 348.

<sup>14</sup> Каримова Н. А. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV – XVII вв. –Т.: Изд-во ТашГИВ, 2005. –С. 106.

ва 1420 йилларда Ҳиротга Хитой элчилари келган<sup>15</sup>, ўз навбатида бунга жавоб тариқасида Хитойга бир неча бор теурий хукмдорларнинг элчиликлари жўнатишган. Жумладан, 1419 –1422 йилларда Шохрух Мирзо Хитойга Шодихожа ҳамда Кўкча, Гиёсиддин Наққош ва Султон Аҳмад бошчилигида элчилик миссиясини юборган<sup>16</sup>.

XIX асрда Ғарбий Хитойдан Кўкон, Хива ва Бухоро хонликларига чой, ипак матолар, чинни, гиламлар, чорвачилик маҳсулотлари олиб келинган. Хитойга эса парча, духоба, олтин, мўйна, ишлов берилган тери, қимматбаҳо тошлар ва бошқа маҳсулотлар олиб борилган. Туркистон Россия империяси томонидан истило этилгандан кейин темир, чўян, мис ва бошқа металл буюмлар, аёллар тақинчоқлари, ойна, идишлар, мовут, пахта матолар, гугурт, шакар каби маҳсулотлар ҳам жўнатила бошланган<sup>17</sup>.

XX аср бошларига келиб ўзаро савдо алоқалари янада ривожланган. 1910 йилда Туркистон орқали Хитойга беш миллион сўм ҳажмида товар олиб ўтилган, Хитойдан эса саккиз миллион сўмдан ортиқроқ миқдордаги маҳсулот олиб келинган<sup>18</sup>.

Биринчи жаҳон уруши йилларида дунё миқёсида вужудга келган янги вазият туфайли Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги савдо алоқалари ҳам қисқарган. Марказий Осиёдаги очарчилик ўзаро савдо структурасини ҳам ўзгартириб юборган. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорва молларига бўлган талаб янада ошган. Агар 1915 – 1916 йилларда Шинжондан Марказий Осиёга 10 – 20 минг бош қўй, 500 – 2000 бош қорамол ва 200 – 500 бош йилқи ҳайдаб ўтилган бўлса, 1917 йилда 120 минг бош қўй, 1200 бош қорамол ва 3 минг бош йилқи ҳайдаб ўтилган<sup>19</sup>.

Собиқ СССР даврида Ўзбекистон бошқа иттифоқчи республикалар каби расман суверен республика сифатида халқаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш ҳуқуқига эга бўлган. Бироқ, ушбу ҳуқуқ декларатив хусусиятга эга бўлиб, фақат қоғоздагина мавжуд эди. Амалда эса Ўзбекистонга мустақил равишда ташқи алоқалар ўрнатиш ҳуқуқи берилмаган эди, мамлакатимиз тоталитар совет давлатининг қатъий доирасида бўлгани ҳолда халқаро майдонга бевосита чиқиш имконига, ўзининг ташқи сиёсий институтларига эга эмас эди.

Ўзбекистон СССР ташқи сиёсий фаолият органларининг рухсати билангина СССР ва Хитой ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги ҳамкорликда эпизодик равишда иштирок этишга мажбур бўлди.

1950 йил 14 февралда СССР ва ХХР ўртасида имзоланган ҳамкорлик шартномасининг “қўшимча битими”да “Марказий Осиёнинг иттифоқдош республикалари ҳудудида, шунингдек Хитой Манчжурияси ва Шинжон-

<sup>15</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайин. Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар А. Ўринбоевники. – Т.: Фан. 1969. – Б. 124; Фасих Аҳмад ибн Джалал ад-Дин Муҳаммад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод) / Пер., предисл., примеч. и указ. Д.Ю. Юсуповой. - Ташкент: Фан, 1980. – С. 166.

<sup>16</sup> Фасих Аҳмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи. – Т.:Фан, 1980. – С. 144, 178-179.

<sup>17</sup> Мирзаев Р. Геополитика нового Шелкового пути. – М.: Известия, 2004. – С.100

<sup>18</sup> Мирзаев Р. Геополитика нового Шелкового пути.... – С.100

<sup>19</sup> Мирзаев Р. Геополитика нового Шелкового пути.... – С.100.

Уйғур мухтор райони чегараларида чет элликлар мулкларни ижарага олиш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар, учинчи мамлакатлар томонидан маблағ киритиш ва чет эл фуқароларининг саноат, молия ва савдо тизимида, бошқа корхона, муассаса, компания ва ташкилотларда бевосита ёки билвосита иштирок этиши тақиқланди<sup>20</sup>. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг ўзаро манфаатли ташқи алоқаларининг янада чекланишига олиб келди.

1950 йилдан Ўзбекистон Хитойнинг Шинжон-Уйғур мухтор районунига кадрлар тайёрлаш, маҳаллий аҳолини уйғур, қозоқ тилларидаги адабиёт ва ўқув китоблари билан таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш, ер ости бойликларини аниқлаш, ирригация тизимини яхшилаш бўйича катта ёрдам кўрсатди<sup>21</sup>.

XX асрнинг 60–70 - йилларида СССР ва Хитой ўртасидаги муносабатларда кескинлик вужудга келди. Чегарадаги муаммолар ҳамда совет ва хитой коммунистлари ўртасидаги ғоявий келишмовчиликлар ўзаро муносабатларнинг ёмонлашишига олиб келди. Натижада, Ўзбекистон асрлар давомида асосий ҳамкори бўлиб келган давлат билан ҳамкорлик қилиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Ўзбекистон 1962 йилда Болгарияга 6937,83 минг сўмлик, Венгрияга 38528,84 минг, Польшага 33650,00 минг, Руминияга 21808,53 минг, Вьетнам Демократик Республикасига 521,91 минг, Мўғулистон Халқ Республикасига 610,10 минг, Корея Халқ Демократик Республикасига 6720, 20 минг сўмлик маҳсулот етказиб берган бўлса Хитойга етказиб берилган маҳсулот атиги 339,20 минг сўмни ташкил этган<sup>22</sup>.

XX аср 80 - йиллари бошларига келиб СССР ва ХХР муносабатлари аста-секин яхшилана бошлади. Ҳар икки давлатда юз берган қайта қуриш жараёнлари, умуман ўзаро мулоқотларни тиклашга бўлган ҳаракат натижасида анъанавий алоқалар яна ўз жойига туша бошлади.

1986 йилдан бошлаб Марказий Осиё республикалари, Қозоғистон ва ХХРнинг Шинжон-Уйғур мухтор райони ўртасида савдо алоқалари амалга оширила бошланди<sup>23</sup>. Ўзбекистон ва Шинжон-Уйғур мухтор райони билан пахта етиштиришни янада такомиллаштириш ва уни турли касалликлардан асраш, янги навларни яратиш соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ўзбекистонда Хитой маҳсулотларининг кўرғазмалари ўтказила бошланди. Тошкент шаҳрида 1988 йил май ойида ўтказилган Шинжон-Уйғур мухтор райони корхоналарининг маҳсулотлари кўрғазмасида Хитойга карбонит ва амофор етказиб беришга, ўз навбатида Хитойдан Ўзбекистонга шиналар ва тўқимачилик маҳсулотлари етказиб беришга келишиб олинди<sup>24</sup>.

1989 йил 17 мартда Тошкентда биринчи совет-хитой қўшма корхонаси вужудга келтирилди. Шу куни ХХР Шинжон-Уйғур автоном райони маркази

<sup>20</sup> Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Т.: Фан, 2007. – С.51.

<sup>21</sup> Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9 жилд. – Б. 437.

<sup>22</sup> Абуталипов Ч.А. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари. –Т.: Ўздавнашр,1964. – Б. 69.

<sup>23</sup> Славинский Б. Н. Внешняя политика СССР на Дальнем Востоке, 1945-1986 . – М.: Международные отношения, 1988. – С.244.

<sup>24</sup> Ўзбекистон-Хитой дўстлик жамиятининг фаолияти тўғрисида ҳисобот. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎЗР МДА) М.2- фонд, 1- руйхат; 101- иш, 12-варак.

Урумчидан келган саноат уюшмалари ва Ўзбекистон маҳаллий саноат министрлиги вакиллари Тошкентда рўзгор термослари корхонасини бунёд этиш ҳақидаги битимга имзо чекдилар<sup>25</sup>.

1990 йил январида “Ташинтерм» ўзбек-хитой кўшма корхонаси термосларнинг биринчи партиясини чиқарди<sup>26</sup>.

Ўзбекистоннинг Хитой билан алоқаларида “Ўзбекистон – Хитой» дўстлик жамияти ҳам алоҳида ўрин тутган. У 1958 йил 30 октябрда Совет-Хитой дўстлик жамиятининг бўлими сифатида ташкил этилган. 1987 йилда бўлим Ўзбекистон – Хитой дўстлик жамияти деб қайта номланди<sup>27</sup>. СССР ва ХХР ўртасидаги ғоявий зиддиятлар шароитида жамият фаолияти жуда чекланган эди. 80-йиллар ўрталарига келибгина, жамият фаол алоқаларни йўлга қўя бошлади. 1985 йилдан 1995 йилгача Хитойдан 19 та делегация қабул қилинган, ўз навбатида Хитойга 12 делегация жўнатилган<sup>28</sup>. Мазкур делегациялар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга интиланлар. 1980 йилда совет-хитой сиёсий маслаҳатлашувлари жараёнида ХХР ҳукуматининг махсус вакили, ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Цянь Цичень ва ХХР нинг СССР даги элчиси Ян Шоучжен Ўзбекистонга ташриф буюриб, юртимиз ҳаёти билан танишганлар<sup>29</sup>.

Ўзбекистон ХХР билан иқтисодий алоқаларни ҳам ўрнатишга интила бошлади. 1981 йил декабрда ва 1983 йил январида Тошкентга Хитой Фуқаро Авиацияси бошқармасининг техник комиссияси капитал таъмирдан чиқарилган Ил-62 самолётларини қабул қилиш учун ташриф буюрди. Ушбу делегация вакиллари “Ўзбекистон – Хитой” дўстлик жамиятида қабул қилинди<sup>30</sup>.

Мустабид тузумнинг чекловларига, зўрликларига қарамасдан, СССР таркибига кирган халқлар хорижий давлатлар халқлари билан ҳамкорлик алоқаларини сақлаб қолишга уринганлар. Лекин, бу ҳамкорлик халқаро меъёрлар талаблари даражасидаги давлатлараро муносабатларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни қондира олмас эди. Совет тузуми даврида мамлакатларимиз халқлари вакиллари қанчалик интиланлар, қанчалик ҳаракат қилмасинлар, Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлиги чекланганлигича қолиб кетаверган эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан кейингина кўп асрлар давомида шаклланиб келган ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини тиклаш, умуман, кўп томонлама фаол ташқи

<sup>25</sup> Маннонов Б. С., Максимов Т. Қайта қуриш ва Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари. –Т.: Билим жамияти, 1991. 8-бет.

<sup>26</sup> Тюриков В. И. Первый...Первая...Впервые... -Т.: Ўзбекистон,1996. – С.101.

<sup>27</sup> Ўзбекистон – Хитой дўстлик жамиятининг фаолияти тўғрисида ҳисобот. ЎЗР МДА. М.2- фонд, 1- руйхат; 101- иш, 6 – варақ.

<sup>28</sup> Ўзбекистон-Хитой дўстлик жамиятининг фаолияти тўғрисида ҳисобот. ЎЗР МДА, М.2- фонд, 1- руйхат; 101- иш, 6 – варақ.

<sup>29</sup> Ўзбекистон-Хитой дўстлик жамиятининг фаолияти тўғрисида ҳисобот. ЎЗР МДА . М.2- фонд, 1- руйхат; 101- иш, 6 – варақ.

<sup>30</sup> Ўзбекистон-Хитой дўстлик жамиятининг фаолияти тўғрисида ҳисобот. ЎЗР МДА . М.2- фонд, 1- руйхат; 101- иш, 7 – варақ.

сиёсат юритиш имконияти пайдо бўлди.

Шу тариқа, Ўзбекистон ва Хитой халқлари инсонпарварлик, бағрикенглик, дўстлик, яхши қўшничилик ғояларига содиқ қолган ҳолда кўп асрлар давомида давлатлараро муносабатларни самарали ривожлантириб келдилар, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш масалаларида қарашлар ва ёндашувлар бирлигини ҳозирги кундаги мураккаб шароитларга ўтказишга муваффақ бўлдилар.